

Ўзбекистон Республикаси номидан  
Ҳ У К М

2025 йил октябрь ойининг 7-куни, жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья М.Мирзабобоев, судья ёрдамчиси А.Комиловнинг суд мажлиси котиблигида, тарафлардан Марғилон шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси М.Эргашев, судланувчи К.Тиллабобоев ва унинг ҳимоячиси – “Осиё Адолат” адвокатлик бюроси адвокати Х.Абдурахмоновнинг иштирокида, Тиллабобоев Комолиддин Комиловичга нисбатан 1-1513-2501/375-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Тиллабобоев Комолиддин Комилович (Tillaboyev Komoliddin Komilovich), 1982 йил 21 сентябрь куни Тошлоқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзанди бор, ошпазлик фаолияти билан шуғулланади, муқаддам судланмаган, Тошлоқ тумани, Фароғат маҳалла фуқаролар йиғини, Гарбобо кўчаси, 38-уйда яшайди, иш бўйича “Гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 29 июль куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари ва 28,211-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Тиллабобоев Комолиддин Комилович ўзгани кўп миқдордаги пул маблағларини алдаш йўли билан қўлга киритишни мақсад қилиб, Умарова Сайёра Жўрабой қизи, Эшпўлатова Махсудахон Абдураимовна, Хамидова Манзурахон Мухторжоновнанинг оила аъзолари билан бирга “Умра” зиёратига бормоқчи бўлиб юришганлигидан хабар топиб, уларни оила аъзолари билан бирга Саудия Арабистонига “Умра” зиёратига юборишини айтиб, уларни алдаб, 26.05.2025 йил куни Марғилон шаҳар, Иқбол маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган “Якко” номли кафедра С.Умарова, М.Эшпўлатова, М.Хамидовалардан кўп миқдорни ташкил этган жами 131.742.180 сўмга тенг бўлган 10.200 АҚШ долларини олган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида ушланиб, ўзганинг кўп миқдордаги пул маблағларини фирибгарлик йўли билан эгаллаш жиноятини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатга



кўра охирига етказа олмаган.

Судланувчи К.Тиллабоев суд мажлисида, ўзига эълон қилинган айбловга қисман иқрор бўлиб, ҳақиқатдан ҳам 2024 йилда “Хурмо” тревел орқали Саудия Арабистонига “умра” сафарига онаси билан бирга бориб келгани, у ерда бўлган вақтида меҳмонхонадаги ошпазларга ёрдам бериб тургани, ошпазлик хунари бўлганлиги сабабли у ердаги фирмалар ошпазликка ишга таклиф қилишгани, сўнг ўша вақтдан буён Саудия Арабистонига бориб ошхоналарда ошпазлик қилиб келгани, 2025 йил 5 май куни 91-124-47-37 рақамидан бир нотаниш аёл киши, кейин билишича М.Эшпўлатова кўнғироқ қилиб, Саудия Арабистонига “умра” сафарига бориб келишларига ёрдам қилишини сўрагани, унга Тошлоқ тумани Гарбобо кўчаси 38-уйга келишини айтгани, сўнг кейин билишича С.Умарова, М.Эшпўлатова, М.Хамидовалар яшаш хонадонига келиб, “умра” сафарига боришмоқчи эканлигини, хизмат нархи қанча бўлишини сўрашгани, уларга давлат орқали ёки қонуний лицензияси бор фирма орқали “умра” сафарига боришларини айтгани, лекин улар бирон бир ишончли фирма топиб беришини, тўловни ўзига қилишини айтиб, туриб олишгани, кейин уларга бир киши учун 1.650-1.700 АҚШ доллари бўлишини, Андижон вилоятидаги “Карвон” номли фирма орқали жўнатишини, ушбу фирмани лицензияси борлигини айтгани, улар рози бўлиб, кетишгани, 2025 йил 26 май куни С.Умарова, М.Эшпўлатова, М.Хамидовалар 91-124-47-37 рақамидан кўнғироқ қилишиб, оила аъзолари билан бирга 6 нафар бўлиб, 1 ой муддатга Саудия Арабистонига “умра” сафарига боришларини, 10.200 (ўн минг икки юз) АҚШ доллари миқдорида пуллари тайёр эканлигини айтишгани, сўнгра улар билан шу куни соат 16<sup>00</sup>ларда Марғилон шаҳар марказидаги “Якко” кафесида кўришиб, олиб келган 10.200 (ўн минг икки юз) АҚШ доллари миқдоридаги пулларни санаб олгани, шундан сўнг улар хайрлашиб, кафедан чиқиб кетаётган вақтларида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан ушлангани, С.Умарова, М.Эшпўлатова, М.Хамидовалардан олган пулларини давлат идорасидаги маълум бир мансабдор шахсга пора тариқасида берилиши хусусида айтмагани, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлигини билдириб, ўзига нисбатан енгиллик беришни сўради.

Судланувчи К.Тиллабоев ўзига эълон қилинган айбловга қисман иқрор бўлса-да, унинг юқоридаги жиноятни содир этганликдаги айби суд мажлисида текширилган ва жиноят ишида мавжуд қуйидаги далиллар билан тасдиқланади, жумладан:

- жабрланувчи С.Умарованинг видеоконференц-алоқа режимида суддаги, ҳақиқатдан ҳам танишлари М.Эшпўлатова ва М.Хамидовалардан “умра” сафарига олиб борувчи қонуний фирмаларни сўраганида, улар Тошлоқ туманида яшовчи К.Тиллабоев Саудия Арабистонига “умра” сафарига олиб бораётганини айтишгани, М.Эшпўлатова ва М.Хамидовалар 2025 йил 5 май куни К.Тиллабоевнинг яшаш манзилига бориб, гаплашиб келишганлигини айтишгани, уларга акаси билан “умра” сафарига бормоқчи



эканини айтганида, К.Тиллабоев М.Эшпўлатова ва М.Хамидоваларга бир ойга “умра” сафарига бориш харажатлари 1.700 АҚШ доллари бўлишини айтганлигини билгани, сўнгра 2025 йил 26 май куни М.Эшпўлатова ва М.Хамидовалар билан бирга К.Тиллабоевга қўнғироқ қилиб 6 нафар шахсга 10.200 АҚШ доллари миқдорида пулларни тайёрлаб қўйишгани айтгани, сўнг М.Эшпўлатова К.Тиллабоевнинг гап сўзларидан шубҳаланиб, у айтган “Карвон” номли фирмани ижтимоий тармоқлар орқали лицензия олганми ёки йўқлигини текширганида, ушбу фирманинг лицензия олмаганлигини билиб қолгани, кейин Марғилон шаҳар ИИБ номига ҳамда ДХХ бошлиғига ариза билан мурожаат қилгани, аризаларига асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари тезкор тадбир белгилашиб, Марғилон шаҳар ИИБ биносининг хизмат хонасида тадбир учун 10.200 АҚШ доллари миқдоридаги пулларга холислар иштирокида кимёвий ишлов беришиб, тақдим қилишгани, сўнг

2025 йил 26 май куни соат 16<sup>00</sup>ларда К.Тиллабоев билан Марғилон шаҳар марказидаги “Якко” номли кафедра кўришиб, унга “умра” зиёрати учун 6 нафар шахсга 10.200 АҚШ доллари миқдорида пул олиб келишганлигини маълум қилгани, кейин К.Тиллабоев 10.200 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни олгани, шу вақтда К.Тиллабоев тадбир иштирокчилари томонидан ушлангани ҳақидаги;

- судда тарафларнинг розилиги билан кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган жабрланувчилар М.Эшпўлатова ва М.Хамидова, гувоҳлар Ш.Раимов ва Қ.Турсуновларнинг терговдаги кўрсатувлари;

- шунингдек, аризачидан диктофон мосламасини қабул қилиб олиш ҳақида баённома (и.в.10), аризачилар С.Умарова, М.Эшпўлатова ва М.Хамидовалар билан К.Тиллабоевнинг ўзаро суҳбатлари ёзилган дискни қабул қилиш ҳақидаги баённома (и.в.11-12), фуқаро “Камолиддин” исмли шахсга нисбатан ўтказиладиган тадбир учун белгиланган пулларни аризачига бериш ҳамда пулларга кимёвий ишлов бериш тўғрисида баённома (и.в.13-15), ходиса жойини кўздан кечириш ва ашёвий далил тариқасида олиш ҳақидаги баённома (и.в.16-19) ҳамда жиноят ишидаги бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботини топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи К.Тиллабоевнинг фуқаролар С.Умарова, М.Эшпўлатова ва М.Хамидоваларни оила аъзолари билан бирга “умра” зиёратига жўнатишини айтиб, уларни алдаб, жами кўп миқдорни ташкил этган 131.742.180 сўмга тенг бўлган 10.200 АҚШ долларини қўлга киритишга суиқасд қилишда ифодаланган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Бироқ, суд куйидаги асосларга кўра, К.Тиллабоевнинг ҳаракати 28,211-моддаси 2-қисми “а,б” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 9-моддасида, шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлиши белгиланган.

ЖПКнинг 22-моддасида, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги;

82-моддасида, ишни айблов ҳулосаси ёки айблов далолатномаси билан судга юбориш ва айблов ҳукми чиқариш учун жиноят объекти; жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори; жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар, содир этилган жиноятнинг вақти, жойи усули, шунингдек, ЖКда кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлари, қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш, жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги, жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари исботланган бўлиши кераклиги белгиланган.

Шунингдек, ЖПКнинг 463-моддаси талаби бўйича айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг ушбу жиноятни содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарорининг 5-бандида, судларнинг эътибори ЖПКнинг 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилган бўлиб, судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 211-моддаси 1-қисмида, пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкӣ манфаатдор этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, ушбу модданинг 2-қисми “а” бандида такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 210 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан, “б” бандида эса юқоридаги ҳаракатни кўп миқдорда содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган.



Тергов органи томонидан судланувчи К.Тиллабоевга айб эълон қилиш қарори ва айблов хулосасида, фуқаро С.Умарова, М.Эшпўлатова ва М.Хамидоваларга танишлари орқали “умра” визаси олиб бериш орқали Саудия Арабистонининг “умра” зиёратига юборишини айтиб, уларни алдаб, пора беришга далолат қилганлиги кўрсатилган, яъни К.Тиллабоев айнан кимга пора беришга далолат қилгани, пора беришга далолат қилган шахси қаерда ишлаши, ушбу шахс мансабдор шахс ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслиги, “умра” визаси олиб бериш уни мансаб ваколоти доирасига кириши ёки кирмаслиги аниқланмаган.

Тергов ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, К.Тиллабоев аризада С.Умарова, М.Эшпўлатова ва М.Хамидоваларга 10.200 АҚШ доллари пулларни маълум бир мансабдор шахсга пора тариқасида берилиши хусусида айтмаган.

Хусусан, иш бўйича жабрланувчи С.Умарова тергов ва видеоконференцалоқа режимида судда, ҳақиқатдан ҳам ўзи ва акасини “умра” зиёратига юборувчи фирмаларни танишлари М.Эшпўлатова ва М.Хамидовалар орқали суриштиргани, улар Тошлоқ туманида яшовчи К.Тиллабоев Саудия Арабистонига “умра” сафарига олиб бораётганини, 2025 йил 5 май куни К.Тиллабоевнинг яшаш манзилига бориб, гаплашиб келишганлигини айтишгани, уларга акаси билан “умра” сафарига бормоқчи эканини айтганида, К.Тиллабоев М.Эшпўлатова ва М.Хамидоваларга бир ойга “умра” сафарига бориш харажатлари 1.700 АҚШ доллари бўлишини айтганлигини билгани, сўнгра 2025 йил 26 май куни М.Эшпўлатова ва М.Хамидовалар билан бирга К.Тиллабоевга қўнғироқ қилиб 6 нафар шахсга 10.200 АҚШ доллари миқдорида пулларни тайёрлаб қўйишгани айтгани, сўнг М.Эшпўлатова К.Тиллабоевнинг гап сўзларидан шубҳаланиб, у айтган “Карвон” номли фирмани ижтимоий тармоқлар орқали лицензия олганми ёки йўқлигини текширганида, ушбу фирманинг лицензия олмаганлигини билиб қолгани, кейин Марғилон шаҳар ИИБ номига ҳамда ДХХ бошлиғига ариза билан мурожаат қилгани, сўнг 2025 йил 26 май куни соат 16<sup>00</sup>ларда К.Тиллабоев билан Марғилон шаҳар марказидаги “Якко” номли кафедра кўришиб, унга “умра” зиёрати учун 6 нафар шахсга 10.200 АҚШ доллари миқдорида пул олиб келишганлигини маълум қилгани, кейин К.Тиллабоев 10.200 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни олгани, шу вақтда К.Тиллабоев тадбир иштирокчилари томонидан ушлангани ҳақида кўрсатув бериб ўтди.

Шунингдек, иш бўйича ашёвий далил тариқасида олинган 10.200 АҚШ доллари айнан қайси мансабдор шахсга пора тариқасида берилиши ҳақида бирон-бир объектив, мақбул ва ишончга сазовор далиллар мавжуд эмас.

Суд муҳокамаси жараёнида ҳам бундай далилларни тўплаш имкони бўлмади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида, айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги кўрсатилган.



Юқоридагиларга асосан суд, судланувчи К.Тиллабоевни ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 2-қисми “а,б” бандларини чиқаришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида, жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги, 3-бандида, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятни хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи К.Тиллабоевга жазо тайинлашда, юқоридаги Қонун талаби ва Пленум қарори тушунтиришларига амал қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида белгиланган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблайди, ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, Фароғат маҳалла фуқаролар йиғинидан ижобий тавсифланганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, унга нисбатан ЖКнинг 168-моддаси 5-қисми талабларидан келиб чиққан ҳолда, у содир этган жиноят учун жазо санкциясида назарда тутилган жарима жазосини тайинлашни, ЖКнинг 62-моддасига асосан К.Тиллабоевни 2025 йил 27 май кунидан 2025 йил 29 май кунига қадар ушлаб турилган 3 кунини чегириб, ўташ учун узил кесил жарима жазосида қолдиришни лозим топади.

Шунингдек, суд тезкор тадбирда К.Тиллабоевни ўнг ва чап қўлларидан олинган намуна, махсус қалам, махсус кукун ва тоза тампон намуналари мавжуд 6 дона конвертлар йўқ қилишни;

- тезкор тадбир давомида фойдаланилган 10.200 АҚШ доллари миқдоридаги пуллар тергов органи томонидан ЖҚБ ходимиغا қайтарилганини эътиборга олишни;

- Бир дона “DVD+R” форматидаги дискни жиноят ишига қўшиб сақлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Судланувчи Тиллабоев Комолиддин Комилович (Tillaboyev Komoliddin Komilovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми



“а,б” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

К.Тиллабоевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 (уч юз) баравари миқдорида 112.500.000 (бир юз ўн икки миллион беш юз минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан К.Тиллабоевни 2025 йил 27 май кунидан 2025 йил 29 май кунига қадар ушлаб турилган 3 кунини чегириб, ўташ учун узил кесил базавий ҳисоблаш миқдорининг 298,5 баравари 111.937.500 сўм жарима жазоси қолдирилсин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

К.Тиллабоевга нисбатан қўлланилган “Гаров” эҳтиёт чораси суд ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин ва “Ипотека банк” Фарғона вилоят филиалидаги Фарғона вилоят ИИБ депозит ҳисоб рақамига тўланган 20.000.000 сўм гаров пули гаровга қўювчи Солиев Қувончбек Комилжон ўғлига қайтарилсин.

Тезкор тадбирда К.Тиллабоевни ўнг ва чап қўлларидан олинган намуна, махсус қалам, махсус кукун ва тоза тампон намуналари мавжуд 6 дона конвертлар йўқ қилинсин.

Тезкор тадбир давомида фойдаланилган 10.200 АҚШ доллари миқдоридаги пуллар тергов органи томонидан ЖҚБ ходимиغا қайтарилгани эътиборга олинсин.

Бир дона “DVD+R” форматидаги диск жиноят ишига қўшиб сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчилар эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида, апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида шу суд орқали Фарғона вилоят судига протест ёки шикоят келтириш ҳуқуқига эга.

Раислик қилувчи

М.Мирзабоев

**Маъсул судья: Мирзабоев Миродил Минавварович**

